

Бугун — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси очилади

Давлатимиз тарихида бошқарувнинг узига хос хусусиятлари мавжуд бўлган. Бу уринда маҳаллий шароитни, миллий жиҳатларни ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этган.

рув амалга ошмади. Тоталитар тизим бирдобига тушиб кетган Олий Кенгашимиз тобе, қарам ва муъте бўлиб қолди.

лохотлар ва умуман янги ҳаёт биносига тамал тошларини қуйиш сизларга — мана шу муҳташам залда утирган инсонларга насиб этди.

Олий Мажлис парламентига сайлов бир мандатли сайлов округлари бўйича — Ўзбекистон халқ демократик, «Ватан тараққиёти» партиялари ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва Тошкент шаҳар Кенгаши кўрсатган, қўллаб-қувват-

ПАРЛАМЕНТ БОШҚАРУВИ

ми билан деярли кўпчилиги қамалди, сургун қилинди...

Республикаимиз мустақиллиги кўлга киритиши муносабати билан она дийримизда адолатли бошқарув урнатилди. Республика парламенти халқ ҳужалиги тараққиётининг барча жабҳаларида демократик ва ҳуқуқий бошқарув тизимини олиб бормоқда.

ланган номзодларни рўйхатга олишдан бошланди. Унинг натижасидан ҳаммамиз хабардоримиз.

Давлатимиз бошқарувининг энг юқори ҳокимият органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси парламенти таркибига сайланганлар ўз ишининг малакали мутахассиси, иқтидорли олимлар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, муҳандислар, тадбиркорлар, маорифчилар, фан ва маданият арбоблари, халқ ҳужалиги соҳаси вакиллари бўлиб, жамиятимиз тараққиётини буюк давлатчилик йўлига бошлайдиган шахслар сифатида намоён бўладилар.

Янги сайланган парламент Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Олий Мажлис тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ фақат қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Олий Мажлис ўз фаолиятининг доимийлигини таъминлаш учун кўмиталар ва хайатлар ташкил этади. Йилга камида икки марта Олий Мажлиснинг барча депутатлари иштирокидаги сессияя-

Айниқса, Амир Темур ва унинг шаҳзодалари давлатни бошқаришда узига хос парламент — бир гуруҳ амалдорлар «Куч — адолатда» шioriга амал қилганликларини эслаш жоиздир.

Подош Россияси томонидан Марказий Осиё ҳудудлари босиб олинган, бошқарувда Кенгаш урнига давлат Думаси пайдо бўлиб, маҳаллий халқнинг, айниқса XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий норозилик ҳаракатларини назарга олиб, улардан (туб аҳолидан) ҳам давлат Думасига сайлаш ҳуқуқи берилди.

Фақат 1917 йилги февраль ва октябрь ойлари орталигида, номига бўлса-да, маҳаллий думаларга туб аҳолидан сайлаш, яъни бошқарув органларига жалб қилиш бошланди. Бу пайтда миллий-озодлик ва мустақиллик учун ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар куч тўплаётган пайт эди.

Асримизнинг туб бўлиши даври — 20-30 йилларда советлар йули билан Олий Кенгаш республикаимиз бошқарувини ўз қўлига олган ҳисобланди-ю, аслида демократик ва ҳуқуқий бошқа-

Насибаси бутун халқимиз

Самарқанд туманини рамзий маънода Самарқанднинг олтин белбоғи, деб аташди. Бу бежиз эмас. Чунки туман ҳужаликлари шаҳар чор-атрофини ураб олган.

Қаранг, шунга ҳам икки йил бўлибди. Бу даврда Самарқанд тумани қиёфаси тубдан ўзгариб кетди.

Хоким ҳақ сузи айтиди: 1993 йилда туман бўйича 120 та маданий-маиший, савдо курсатиш, уларнинг турмушини фаровон қилиш асосий мақсадимизга айланган.

қурсатиш, уларнинг турмушини фаровон қилиш асосий мақсадимизга айланган. — дейди Раҳима Ҳакимова. — Етиштирилган лавлагимизни Қозғистонда қайта ишлаб одамларимизга шакар қилиб сотдик.

ОЛТИН БЕЛБОҒ

ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди. 1994 йилда улар сони 300 тага етди.

рибди. Дарвоқе, бугунгача аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан ўз фойз таъминладик.

— Мехмонга жаннатга етишимизга бир қадам қолди, деган эдингиз, эсингиздами? — Биз уша орузимиздаги жаннат сари бир қадам кўйдик.

Мамлакатимизда баҳор эшик қоқмоқда. Бу ўз-ўзидан деҳқонни шошириб қўйиши табиий. Одатда техникани яхшилаб соғлаш деҳқонлар ҳотиржамлик билан кўшмадан кўтиб оладилар.

Яна бир қадам. Ҳар кун меҳнат қилишга, яратишга ундайдиган сирли куч бу. Яхши ниятни кузлаганлар эса албатта эзгу орзусига етади.

Фармон ТОШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мамлакатимизда баҳор эшик қоқмоқда. Бу ўз-ўзидан деҳқонни шошириб қўйиши табиий. Одатда техникани яхшилаб соғлаш деҳқонлар ҳотиржамлик билан кўшмадан кўтиб оладилар.



Юқоридаги суратда: зveno бошлиғи Пардабой Ҳўраев, механик Абдурахмон Окмиров ва ширкат раиси Абдухалик Эсирганов.



Нурмамет АЛМУРОДОВ олган суратлар.

ИЧИМЛИК СУВИ КЕЛТИРИЛМОҚДА

НАВОИЙ (мухбиримиздан). Вилоятда кимё саноати яхши йўлга қўйилган. Зеро, виллоят ҳудуди кўпроқ чўл ва яримчўл майдонларидан иборат.

Бунинг олдини олиш мақсадида виллоят ҳокимияти аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва сув билан таъминлаш билан боғлиқ ишларни амалга ошираётган. Виллоят маркази, туманлар ва олис қишлоқларни газлаштириш, водопроводлаштириш ишлари бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган.

Дамхўжа-Навоий-Бухоро кувурлари сув йўли қурилиши мазкур дастурнинг мезони, дейиш мумкин. Узунлиги қариб 280 километр масофани эгалловчи бу оби-ҳаёт йўли қурилиши жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

Иқтисодиёт одимлари

БИР ЁҚАДАН БОШЧИҚАРИБ...

Республикаимиз дон маҳсулотлари қорхоналарида хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиб, исрофгарчиликка йўл қўймаслик чоралари қуриллаётган.

— Утган йили виллоят аҳолиси учун 292 тонна ун тайёрлаб, режани 106 фоиз бажардик, — дейди шу жамиятининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Рустам Аҳмедов.

Биз виллоят дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятида булганимизда унинг тасарруфидаги қорхона ва бирлашмаларда ун ва ёрма ишлаб чиқариш билан чекланмасдан, ёрдамчи ҳужаликларни ривожлантиришдаги ибрат олса арзиғулик ишларига ҳам ғувоҳ бўлдик.

Бу йил виллоят деҳқонлари 95 минг гектар сугориладиган, 100 минг гектардан зивдор қалъи шароитда галла етиштиришга бел боғланганлар.

Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

70 фоиз қопланади. Айна кезда виллоятдаги барча ушбу соҳада меҳнат қилаётган кишиларнинг масъулияти ошган.

Биз виллоят дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятида булганимизда унинг тасарруфидаги қорхона ва бирлашмаларда ун ва ёрма ишлаб чиқариш билан чекланмасдан, ёрдамчи ҳужаликларни ривожлантиришдаги ибрат олса арзиғулик ишларига ҳам ғувоҳ бўлдик.

Вилоят дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятининг барча туман қорхоналарида дон маҳсулотларини тез ва қулай етказиб бериш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Тайёрланаётган унинг сифати юқори бўлаётганими?

Демак, қаерда, узаро ҳамкорликда, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилинса, уша ерда барака бўлади.

Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мухбиримиз бонг уради

Шудгор уртасида турган тракторни қурган текширувчилар айни қиш фаслида, яёдоқ далада техника нима қилади, деб ҳайрон қолишди.

манидаги «Мадиробод» жамоа ҳужалигидаги техниклар механизаторларга бириктириб қўйилмаганлиги тўғрисида учта трактор, юк ташувчи ва енгил автомашинанинг сизлик ҳукм сурмоқда.

Анджон виллоятининг айрим ҳужаликларида ҳукм сурётган бундай ноҳуш манзара қимматга тушмоқда.

Айрим ҳужаликларида техника вониталари сонини атайин камайтириб қуратиш ҳоллари учрамоқда. Яъни тегушли идораларга нотугри маълумотлар берилляпти.

ШУДГОРДА ҚИШЛАГАН ТРАКТОР

эҳтиёт қисмлари ва ишчи механик эълари гумдон қилинган. Шу тумандаги Ф. Қўчқоров номи жамоа ҳужалигида эса махсус оғбор ва бостирма бўлишига қарамай, 200 дан зиёд хилма-хил техника воситаси очик майдонда қор ва ёғирир-дан ҳимоланмай қолиб кетган.

гон маълумотини чуви қилди. Текшириш жараёнида 12 та пахта териш машинаси, 9 та култиватор, 8 та чағлатиш машинаси, 14 та оғбор камайтириб қуратиш шодони фоз бўлди.

Техникани сақлаш ва мавсумга тайёрлаш совуққонлиги тўғрисида 52 киши маъмурий, 41 киши инициатива жавобгарликка тортди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ҒАЛЛА ЭРКИН БОЗОРИ

АЛМАТИ. Қозғистон соёбик Иттифоқнинг асосий галлакор республикаларидан бири эди.

Қозғистон ҳукуматининг 2000 йилгача мамлакат агросаноат комплексининг тараққиёти дастурини Бош вазир Ҳўрибосари Аҳметжан Есимов шарҳлар экан, давлат махсус истеъмолчилар (армия, касалхоналар ва бошқалар)га нон маҳсулотлари етказиб бериши, минтақаларни қурра ва мақорон маҳсулотлари, шунингдек ғалла сугурта фондини таъминлашни ўз зиммасига олади.

ИККИНЧИ ШВЕЙЦАРИЯ

БИШКЕК. Халқаро реконструкция ва тараққиёт банкнинг машҳур мутахассиси Оливер Беннет бошчилигидаги экспертлар республика туризм ва спорт кўмитаси учун Қирғизистонда туризмнинг тараққиётига доир лойиҳани тайёрлаб бердилар.

ЭСТАФЕТА ТОЖИКИСТОНДА БОШЛАНДИ

ДУШАНБЕ. Шу йилнинг 23 февраль куни Тожикистон Республикасида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан ҳамдўстлик мамлакатлари ташқи чегаралари бўйлаб эстафета бошланади.

КИЕВГА ГАЗ БОРАПТИ

АШГАБАТ. Украина Туркменистон етказиб берган газ учун барча қарзларини тўлаш юзасидан етти йил узайтирилган муҳлат олди.

ЯНГИ ДОРИ

ДУШАНБЕ. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг касалликларнинг олдини олиш институт лабораториясида янги дори — гнѐхлар шарбати экстракти тайёрланди.

Фармон ва ижро

— Яшириб нима қиламиз: собиқ Иттифоқ даврида, айниқса қайта қуриш йилларида «Хар бир совет фуқароси 2000-йилга бориб алоҳида уй-жой билан таъминлаш ҳақида»ги қарорларга қўйилганимиз бироз бўлсада ишонганми. Кейин билсак бу режаларнинг ҳаммаси муаллақ, пуч экан. Шуклар бўлиши, мустақил бўлиш. Энди озод Ватан — умумий хонадонимиздаги барча масалаларни, шу жумладан, қурилишдаги муаммоларни ҳам ўзимиз ҳал қиламиз. Айтингни, бу соҳадаги бугунги аҳвол қандай?

— Сирасини айтганда, республикамиз мустақилликка эришгач, қурилишда ҳам кескин бурилиш юз берди. Айниқса, яқка тартибда ва кооператив асосда уй-жой қурувчиларга кенг имкониятлар яратилди: 15—20 сотихдан ер ажратилди, давлат томонидан кредитга қарз берилди. Шунинг эвазига ўтган уч — тўрт йил ичида фуқароларнинг яқка тартибда ва кооператив уй-жой қуриши икки-уч бараварга ошиб кетди. Айни пайтда давлат қурилиш ташкилотларининг ҳам бу борадаги ишлари тахсинга сазовор бўлмоқда.

Ўтган йили 5 мартда мамлакатимиз Президенти уй-жой муаммосини ҳал этишда аҳолининг муҳтож табақаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ва уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган уй-жой қурилишини янада ривожлантириш мақсадида «Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Фармон қабул қилди. Қўл ўтмай эса республика Вазирлар Маҳкамаси ушбу фармонни амалда рубёга чиқариш масалалари ҳақида махсус қарор чиқарди.

Очиги, МДХ давлатлари ичида фақат Ўзбекистондагина ҳукумат томонидан уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантириш борасида бундай гамжурлик ва ташаббускорлик курсатилган. Юқорида айтиб ўтилган фармон ва қарорлар бунинг ёрқин мисолидир.

— Олим Мажилович, ушбу фармон ва қарорларни рубёга чиқариш борасида бирлашмиш бизнинг бинокорлари қандай тадбирларни амалга оширишмоқда?

— 1994 йилда бош пудрат буйича 594 миллион сўмлик ва ўз кўларимиз билан эса 533 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардик. Аҳоли учун қарийб 191 минг квадрат метр уй-жой қуриб, калити билан ағаларига топширдик.

Бозор иқтисодиёти шароитида шахсий уй-жой қурилишини янада ривожлантириш мақсадида муҳандис-техникларимиз буюртмачилар таклиф ва истакларини инобатга олиб маҳаллий шароитларга мос, зилзилага бардошли уч-тўрт ва ундан ортиқ хонали коттеж уйлар лойиҳаларини ишлаб чиқдилар. Унинг афзал томони шундаки, бу лойиҳада яшовчилар учун барча қўлайликлар ҳисобга олинган. Дейлик, ушбу лойиҳага асосан унинг пойдевори, девор устуналари ва томи темир-бетон буюмлардан монтаж усулида тикланади. Деворлари эса буюртмачининг истагига қўра гиштдан, шлакоблоқдан ва бошқа қурилиш материалларидан барпо этилади.

Аммо баъзи ҳолларда бу борада тусиқлар ҳам учраб турибди. Масалан, ер участкасини олишда айрим қишлоқ жойларда маҳаллий ҳокимият раҳбарларининг бе-парволлиги тубайли бизнинг кўмагимизда уй қурмоқчи бўлган буюртмачилар қийналиб қолишапти. Суда масаласида ҳам расмиятчилик, қозғобозлик куп. Уй-жой қурмоқчи бўлган одам қарз олиш учун қўпчи 7-8 хил турдаги ҳужжатларни тайёрлаб банкка курсатishi лозим. Бунинг устига қурилиш материаллари нархи ҳам ошиб борапти. Шундай шароитда бирлашмишга қаршили ташкилотлар фуқароларнинг оғирини енгли қилишга, нисбатан арзонроқ нархларда уй-жой қуриб беришга эътиборни қаратмоқдалар. Айни пайтда қишлоқларда яна бир хайри ишга қўл ураёلمиз.

Мамлакатимиз Президентининг қишлоқ жойларда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида мўъжаз корхоналар, кичик цехлар ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик бўлган ишоотларни барпо этиш лозимлиги ҳақидаги курсатмаларига асосан республикамиз вилоятларида турли объектлар қурилишини бошлаб юбордик.

Бултур Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманида бир йилда 9 миллион жуфт ички кийим-кечак тайёрловчи тўқимачилик комплекси ишга туширилди. Тошкент вилоятида «Сандвиг» фирмаси билан ҳамкорликда соатига 3 тонна майизни қуришти линияси, Андижон вилоятининг Асика туманида эса ёғ комбинати учун янги цех, новвойхона, республиканинг қўпгина туманларида йилига 14 миллион шартли банка консерва маҳсулотлари тайёрловчи корхоналар, пахта тайёрлаш ва сақлаш пунктлари, чорвачилик фермалари барпо этилди.

Бирлашма қурувчилари Қашқадарь, Самарқанд, Андижон ва Хоразм вилоятларида тўқимачилик комплексларини қуришда, Бухоро, Сирдарь ва Навоий вилоятларида тикувчилик фабрикалари, Хоразм ва Тошкентда эса қанд заводларини барпо этишда иштирок этаяптилар. Шунингдек, «ЎЗДЭУ» қўшма корхонаси буюртмаси асосида республикамиздаги биринчи автомобиль заводи тиклашда ҳам жонбозлик курсатишмоқ-

булиб, улар электр таъминотидан тортиб водопровод ва канализация тармоқларига, газ таъминотидан тортиб иссиқлик қузувларини ётқизишга, автомобиль ва темир йуларни барпо этиш, боринги, нима зарур бўлса ушани бажаришга тайёр. Очиги, бозор иқтисодиёти талаби ҳам шундан иборат. Шу боис йиллик қурилиш фирмаси сифатида «Ўзагроқурилиш» ҳар қандай буюртмачи билан унинг қайси тармоққа тегишлилигидан қатъий назар ҳар қандай ишоотни узаро фойдали битим асосида қуриб беришга ҳозир нозир. Менимча, фақат шундай ташкилотгина бугунги рақобатли бозор шароитида яшаб қолади ва қолаверса малакали ишчиларнинг тулик иш билан банд бўлишини таъминлайди.

— Олим Мажилович, муаммолар ҳақида гап кетганда қурувчилар албатта қурилиш материалларининг, биринчи навбатда ёғоч — тахта буюмларининг тақчиллигини айтишади. Бу бор ҳақиқат. Қўриб-билиб турибмиз: ёғоч тахта ва бошқа бинокорлик материалларининг катта қисми Россиядан келтириляпти. Айтишларича, илари собиқ Иттифоқ даврида Сибирь дёврида Ўзбекистоннинг ўз ёғоч-санаят ҳўжаликлари бўлган экан...

— Дарҳақиқат, собиқ СССР даврида барча иттифоқдош республикалар қатори Ўзбекистон ҳам РСФСР худудидан ўз ёғоч-санаят ҳўжаликлариغا эга бўлган. 1991



ҚУРИЛИШДА ИСЛОҲОТ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

«Ўзагроқурилиш» ишлаб чиқариш-қурилиш давлат бирлашмаси бошқаруви раиси Олим ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбат

- * БУРИЛИШ НУҚТАСИ
* ҚУРУВЧИЛАР ЁҚТИРГАН ИБОРА
* СИВЕРДАГИ МУЛК ҚАЙТАРИЛДИ
* КЎК ТЕРАҚДАН КЎП КЕРАК
* МУЛК ЭГАСИНИ ТОПСА...

Айни пайтда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш буйича қўшима чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан «Ўзагроқурилиш» мутахассислари айрим фермер ҳўжаликлари тажрибалирини ўрганиб чиқиб, амалий ёрдам бермоқда. Бирлашма бинокорлари 47 та фермер ҳўжаликлари учун ўтган йили 1991 йил баҳосида 3750 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб бердилар.

— Қурувчилар билан мулоқотда бўлганимизда улар «калит билан топшириш» деган иборани ишлатишди. Чамамда, бундай қурилиш одатий ҳолга айланб борапти шекилли?..

— Тўғри гапни айтдингиз. Ахир бу борада биз анчагина тажриба ҳам орттирганимиз-да. Ҳозир буртмачига кўпроқ ишоотларни «калит билан топширишга» ҳаракат қилаёلمиз. Бу усулнинг яқши томони шундаки, барча ишлар комплекс бажарилади. Буюртмачининг яна бир бошқа пудратчига мурожаат қилишига урин қўлмайди. Кейинги пайтда бирлашмиш қурувчилари ушбу усулда ишлаб чиқаришга мослашган ишоотлардан ташқари республиканинг барча худудларида буюртмачилар учун умумий майдони 70 минг квадрат метр бўлган уй-жойлари, 5 минг қўвчиға муъжалланган мактаблари ва 800 уринли болалар боғчаларини қуриб битказдилар.

Бирлашма таркибида иختисослашган тармоқ ташкилотлари

йилгача ўтган давр мобайнида бизнинг республикамиз қарийб 1 миллион метр куб ёғоч маҳсулотларига эга бўлган. Республика бюджетидан 20 йил давомида марказлашган капитал харажатлар Сибирдаги ёғоч-санаят ҳўжаликларини ривожлантиришга, у ерда уй-жой ва бошқа ишоотлар қуришга сарфланарди. Лекин Иттифоқ парчаланиб кетгач, улар Россия таркибида қолиб кетди. 1992 йилда Красноярск улқаси ва Иркутск вилоятлари маъмуриятлари бошлиқлари қарори билан ўзбек ёғоч-тахта тайёрлаш корхоналари мақоми бекор қилиниб, уларнинг мулкши шу вилоятлар муниципал мулкига айлантилди. Шу тариқа республикамиз мунтазам олиб турган ёғоч-тахта материаллардан айрилиб қолди.

1992 йил 30 мартда Россия ва Ўзбекистон ўртасида давлатлараро муносабатлар тўғрисидаги шартномани, уша йилнинг 9 октябрида эса МДХ давлат бошлиқлари «Мулкчилик муносабатларини тартибга солиш ва узаро ҳуқуқларни тан олиш» тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу ҳўжатлар мулк эгаларига бошқа давлат худудидидаги ўз мулкига ворис бўлиш мақомиини қайта тиклади. Ушбу ҳўжатларга асосланиб «Ўзагроқурилиш» бирлашмаси Красноярск улқаси ва Иркутск вилояти маъмуриятлари ўз корхоналари мақомиини тиклашларини сураб мурожаат қилдилар. Бу борада Россия Федерацияси давлат мулкчилик қўмитасига

ҳам мурожаат этилди. 1992 йилда Красноярск улқаси маъмурияти Бидейск ёғоч-тахта санаят ҳўжалиги мақомиини муниципал мулкига айлантилриш тўғрисидаги қарорини бекор қилди. Шу тариқа бу ерда «Роуз-Л» қўшма корхонаси барпо этилиб, унинг асосий фондларининг 70 фоизи «Ўзагроқурилиш» иштиғрига, қолган 30 фоизи эса ёғоч-тахта санаят ҳўжалиги жамоаси ихтиғрига берилди. 1992—93 йилларда бирлашма Россиядаги ўз мулкларини қайта тиклаш борасида бир қатор тадбирлар олиб борди. Жумладан, Иркутск вилоятидаги ёғоч-тахта санаят ҳўжалиги ҳам вилоят маъмурияти қарорига асосан «Ўзагроқурилиш» ихтиғрига қайтариб берилди. Бу ерда ҳам биз «Интервостоклес» қўшма корхонасини барпо этдик. Шундай қилиб, қаттиқ тортишувлардан кейин Россиядаги асосий фондлари 6 миллиард рубл бўлган мулкларимизни қайтариб олдик. Бу ишларнинг барчаси давлат миқёсида ҳал этилди. Эндиликда ўзбек қурувчилари йилига 160 минг метр куб аёло даражадаги ёғоч-тахта келтириш имконига эга бўлдилар. Айни пайтда биз келтираётган ёғоч-таختанинг баҳоси ҳам икки бараварга арзонлашди. Илгари бир метр куб тахта учун қарийб 140 АҚШ доллари тўлаган бўлсак, ҳозир бу курсатки 70 долларга туғри келаяпти.

— Иморатбон ёғоч-тахта ва бошқа қурилиш материаллари муаммосини ўзимизда ҳал қилса ҳам бўлади-ку? — Албатта, бўлади. Бу борада республика Вазирлар Маҳкамаси ўтган йили 8 февралда «Санаят тараққилирини ривожлантириш ва бошқа тез усувчи ёғочбон дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ўз вақтида қабул қилинган ҳўжат бўлди. Илгари узимизда 1940 йилларгача ёғоч маҳсулотларига бўлган талаб маҳаллий хом ашё эвазига қондириб келинган. Эски аънаналарни тиклаш пайти келди. Терақ, тол, чинор, қайрағоч қўчатларини кўпроқ экиш керак. Шундагина ёғоч маҳсулотларига бўлган ички эҳтиғимизни қондириш имкони туғилади.

Энди бошқа қурилиш материалларига келсак, бирлашмиш таркибида ўз ишлаб чиқариш корхоналаримизни кенгайтиришга ҳаракат қилаёلمиз. Дейлик, гишт ишлаб чиқариш қуввати 80 миллион сўмга ошди ва йилига 371 миллион донани ташкил этяпти. Панел, керамзит ва бошқа қурилиш буюмларини ишлаб чиқариш ҳам узимизда йўлга қўйилди. Айниқса, темир-бетон панеллари, қурилиш машиналари ва механизмлари, ускуналар, бутловчи буюмлар, санитария-техника қурилмаларининг бирлашмаган тегишли корхоналарда тайёрлишини айни мудоао бўлмоқда. Бу ўз навбатида қурилишни тез тугаллаш имкониини берапти. Шу боис ҳам ўтган йили барча курсаткилар буйича режаларни удалашга муваффақ бўлдик.

— Қурилишда хўсуйлаштириш жараёни ҳам осон кечмаётган бўлса керак?

— Республика ҳўкуматининг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хўсуйлаштириш ҳақидаги қарорларига асосан бирлашма бошқаруви қурилиш ташкилотлари таркибини туб ислох қилиш чораларини кўрмоқда. Жумладан, қурилиш-монтаж ишларининг бозор муносабатлари шароитида қамайишини, шунингдек қурилишни маблағ билан таъминлашнинг қийинлашиб бораётганлигини ҳисобга олиб бир қатор бинокорлик ташкилотлари ҳамда маъмурий-бошқарув таркиби қисқартирилди. Республика давлат мулкни бошқариш ва хўсуйлаштириш қўмитаси билан ҳамкорликда бу борадаги комплекс масалаларни қуриб чиқдик. Бошқарув қарорига биноан бир неча ташкилотлар тугатилди. Айни пайтда бирлашмага тегишли 16 та бош пудрат ташкилотларини, 140 та тармоқлараро механизациялашган қўшма колонна, 5 та тармоқлараро махсус механизациялашган қўшма колонна, 27 та завод ва 14 та автобаза мулкчилик шаклларини узарттирди. Эндиги вазифа амалдаги малакали қурувчилар, муҳандис-техниклар ва лойиҳачилар таркибини қисқартирмасдан туриб, қурилишда ислохотларни янада чуқурлаштирган ҳолда қишлоқда турар-жой бинолари ва маиший хизмат ишоотлари барпо этишни жадаллаштиришдан иборат.

Суҳбатдош: Аслиддин БОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Кейинги пайтларда Наманган шаҳрида аҳолини нон ва ун маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда янги-янги новвойхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Шу йилнинг бошларида «Дока хлеб» деб аталувчи янги новвойхона фойдаланишга топширилди. Эндиликда одамлар шу ернинг ўзида печлардан чиққан иссиқ нонларни сотиб олмақдалар. Нуробод даҳасида ҳам ана шундай корхона қурилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Гишт терувчи Абдусамий Боқибоев. 2. Бригада бошлиғи Ривожиддин Абдуллаев.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сура.

ЖАМГАРМАНГИЗНИ ҚУЙИШ УЧУН ҚУЛАЙ МАНЗИЛА! "Хўсуйлаштириш миллий инвестиция жамғармаси" очик турдаги акционерлик жамияти биринчи чиқарилган акцияларни 100 сўм номинал баҳода сотишга киришди. Жамғарманинг акциялари акционерлик жамиятининг хўсуйлаштириш жараёнида шаклланган энг ликвидли мол-мулк билан мустаҳкам ҳимояланган.

«ЭМАЛЬ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ТАКЛИФ ЭТАДИ: — оқ, ҳаво ранг, писта ранглардаги ПФ-115 эмали. — пол учун 3 кг. ва 100 кг. лит идишларда ПФ-266 эмали. Идишлар қайтарилмайди. Ҳақ тўлаш: чек ёки аккредитив. Тошкентдан харидоринг ўзи олиб кетади. Мурожаат учун телефонлари: 91-56-20, 68-53-88.

ШУ КУНИНГ НАҲАҚСИ ЯНГИМАҚЛАР ВОКЕАЛАР ХАБАРЛАР Табобат «МУРОДБАХШ» ДОРИХОНАСИДА ҚАЙШҚАДАРЕ (мухбиримиздан). Вилоят касалликларига аниқлаш марказининг ертўласи олти ой илгари қароқис қўлдани эди. Ҳозир бу ерда дорихона очилган. Дорихоналарда узок йиллар ишлаб тажриба орттирган И. Ҳасанов хайри ишга қўл урди. У фарзанди билан ертўланнинг бир бурчагидан эшик очиб, майдонни тозалаб, тартибга келтирди. Қарабаски, кўрimsиз жой дорихонага мосланди. — Еа ойлари эди. Саломатлик жамғармасидан атиги 2 минг сўм қарз олдик, — дейди Исмомил Ҳасанов. — Узимиз ҳам йилмиздан сарф-харажат қилдик. Россия шаҳарлари ва Қозогистондан турли дорилар олиб келдик. Мухими, дориларнинг арзонроқ сотилишига эътибор қилмоқдамиз. Дўконни яқши ниғатда «Муродбахш», деб атадик. «Муродбахш» дорихонаси зиматидан аҳоли маъмур.

Кадрият НОМАЪЛУМ ЎЗБЕК ШОИРАСИ Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлезмалар институти Қўқон бўлимининг ташкил этилганига ҳали қўп бўлгани йўқ. Бироқ бўлимининг заҳматқаш олимлари халқимизнинг маданий меросини ўрганиш, маънавий қадриятларимизни тиклаш йўлида қўп хайри ишларни амалга оширдилар. Бу мўъжаз илм даргоҳида айни пайтда араб, форс, туркий тилларда битилган 2 мингдан ортиқ қадимий қўлезма китоб, 2 мингдан ортиқ тошбоша асарлар мавжуд. Қўлезмалар орасида ҳали ўрганилмаган ноёб асарлар куп. Масалан, XIV асрда ўтган машҳур олим Шамсиддин ал-Жазарийнинг милодий 1500-йиллар бошларида Тошкентда қучирилган фалсафий асари эътиборга лойик. Еш олим А. Турдмалев бошчилик қилган бўлим ходимлари ҳозирга қадар мингдан ортиқ қўлезма асарларига тавсиф езишди. Утмиш мумтоз адабиётимизнинг купчиликка маълум бўлмаган намоёндаларининг ҳаёти ва ижодий мероси устида чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб бориляпти. Яқинда катта илмий ходим, филология фанлари номзоди Аҳмаджон Мадминов XX аср бошларида Қўқон атрофида тутилган, адабий таҳаллуси Нисо бўлган шоира Айниқсонимни кашф этди. Интирманчи йиллар охириларида Саудия Арабистонига ҳижрат қилиб, муҳожир бўлиб кетган шоира Нисо ўз ҳаёти давомида баракали ижод қилган. Унинг Қўқонда яшаб турган пайтида тузган анъаний муқамал девони, Саудия Арабистонидан Ватанига етган 30 дан ортиқ соғиниш тула угли мактублари асосида А. Мадминов купчиликка номаълум шоиранинг тулик девонини тузмоқда. Айни пайтда водийдаги мумтоз адабиётимиз хазинабонларининг муаммолари ҳам йўқ эмас. Бўлимининг молиявий аҳволи унча яқши эмас. Бу ердаги олимлар давлатдан маош олмайдилар. Аксинча турли ташкилот ва корхоналардан тушаётган хайри маблағлари ҳисобига ишлайдилар. Қўлезмашунос олимлар игна билан қудуқ қазингандай машаққатли меҳнат эвазига тайёрлаган адабий-маданий мерос намуналари эса етарли ўнча этилмаяпти. Мирза Олим Мушрифнинг Қўқон хонлиги тарихи ва маданиятидан маълумотлар берувчи «Ансаб-Ус-Салотин ва таърихий вақоини», шоир Ҳувайдоннинг муқамал девони ва унга етган лутат, мавлоно Соқибнинг илмий рисоласи ва бошқа қатор асарлари нашрга тайёр ҳолда ўз ҳомилларини кутмоқда. Алишер ИВОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРИЯ ПАРЛАМЕНТИНИНГ ҚАРОРИ ҚОҲИРА. Сурия халқ кенгаши (парламент) Исроил ядро курлирини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилмагунча мамлакат раҳбарияти бу ҳўжжати имзоламаслигини тасдиқлади. Сурия парламентининг Дамашқда ўтган мажлисида депутатлар махсус баёнот қабул қилдилар. Унда Исроилнинг бу шартнома имзолашдан бош тортиши Яқин Шарқда ядро қурлига эга бўлган яна давлат бўлишини аплатади, бу мингтақа мустаҳкам тиғчилик ўрнатишда жиддий тўсқинлар, дейилади. НЕОФАШИСТЛАР РАНЖИДИ БОНН. Германиянинг «Немис халқ иттифоқи» (НХИ) деб номланган неофашистлар ташкилоти раҳбари Россиянинг либерал демократик партияси (РЛДП) етакчиси В. Жиринновскийдан раижитанини хабар қилди. Маълум бўлишича, В. Жиринновскийнинг «Шпигель» дафтномаслиги баёноти бунга сабаб бўлган. РЛДП раҳбари дафтномалда бугун дунё «Россиядан қурқиси керак»лигини ва Германия хозирги Австрияни кидек худудга эга бўлиши кифолатини айтган. ФРАНЦИЯДА РОССИЯЛИКЛАР КУПАЙМОҚДА ПАРИЖ. Россия ташқи ишлар вазирлиги вақилининг бошқа гарб давлатлари каби Франция ҳам Россия фуқаролари учун яша бериш амалларини мураккаблаштиргани ҳақидаги баёнотдан сўнг, НАТО-ТАСС муқабил Франция ташқи ишлар вазирлигига бу ҳолни шарҳлаш учун мурожаат этди. Вазирликда мухбирга Парижнинг россияликларга яша шартини ўзгартирмагани айтилди. Бироқ, сўнгги йилларда Францияга бораётган россияликлар сон сезиларли даражада ўсган, жумладан, 1992 йилда 69 минг, 1993 йилда 87 минг, 1994 йилда эса 117 минг россияликнинг Францияга бориш ҳақидаги илтимоси қондилган. ЕЛЬЦИННИНГ ТАШРИФИ Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин расмий ташриф билан Беларусга келди. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги алоқаларини япти поғонага таради. Музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасидаги дустлик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ҳақида ҳўжатлар имзолашди. ДАСТУР ТАСДИҚЛАНДИ Исроил вазирлар маҳкамаси Қўлезмалар шаҳри атрофидаги яхдуллар истиқомат қилётган учта аҳоли пунктида яна 1000 дан ортиқ уй қуриш ҳақидаги дастурни тасдиқлади. Бироқ, «Мерс» партияси яна 4 назир дастурга қарши чиқди. Ушбу партиянинг аъзоси, мамлакат алоқа, фан ва технология вазирини Шуламит Алонинг таъкидлашича, мазкур дастур Яқин Шарқдаги тиғчилик музокаралари жараёнига тўсқинлик қилади. АРАФОТНИНГ ТАЛАВИ Фаластин миллий мухторияти раиси Сийр Арафот Франциянинг ТФ-1 телеканали орқали Франция, Европа Иттиғи, АҚШ, Россия, Миср ва Норвегияни Фаластин-Исроил музокараларини боши бер қучадан олиб чиқилди ердан беришга чақирди. Шунингдек, у Исроилдан Фаластинга узунини бошқарин ҳўқуқини бериш, Газо секторини қамал қилишини тўхтатиш ва яхдулларни қучириб келишга чек қўйишни талаб қилди. ОТИНМАЛАР БЎЛИВ ЭТДИ Покстон ва Ҳиндистон чегарасида тўхтовсиз отишмалар бўлиб ўтди. Ҳиндистон мудофиа вазирлиги вақилининг айтишича, Покстон Жамму ва Кашмир вилоятларининг баъзи-бир районларини рақазлардан ўққа тутган. Айни пайтда Покстон Ҳиндистон ҳарбийларини икки мамлакат ўртасидаги яраш битимини бузганликда айблamoқда. (Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталардан олинди).

Хамдам СОДИК

Темурнома

СОҲИБҚИРОННИНГ СЎНГИ САФАРИ

Бундан 590 йил муқаддам Амир Темурнинг йигирма туманлик эиё қўлини Утроқ шаҳрига келиб кўр ташлади. Лашкар кишини шу ерда утказиб, баҳорла Хитой томон сафар қилишни лозим эди. Халиф Султон Мирзо ва Аҳмад Мирзо бошчилигидаги ун қанот қисмлар Тошкент, Шохруҳия ва Сайрамда қишлоғига жўнаган. Султон Ҳусейн Мирзо қўмондонлигидаги чап қанот қўшини эса Туркистон ва Саброн шаҳарларида қолди.

Соҳибқироннинг шахсан ўзи бошчилик қилган марказий қўшин булса Утроқда қишлоғини режалаштирди. 1405 йил январда Амир Темур Утроқда эскарларига қишлоғига оид курсатмалар берди. У шаҳар ҳокими тақдир қилган иссиқ уйдан воз кечиб, лашкар жойлашган майдон уртасида ўз чодиргоҳини тиклашга фармон берди.

Қуски пустиларга ўралиб теплакларини бостириб қийиб олган аскарлар тезда чодирлар қуришди. Гулханлар атрофда машғалдай порлади.

Соҳибқирон олдига кўра лашкар сафини қуридан утказиш учун чодирлар тизилган майдон сари йўл олди. У доимо шундай иш тутарди. Қўшин аҳволи, кайфияти ва рузғори қандайлигини ўз кўзи билан кўрмагунча кунгли жойига тушмас эди. Чингизхон амр қилган, юриш бошладан аввал эки жанг олдидан қўшиннинг аҳволини, қандай жиҳозланганини, умуман унинг ҳолатини қуридан утказиш қўнига у янақот жодий равишда амал қиларди.

Соҳибқирон энгил отликлар сарф учун камон, сардоқ, қилч, арпа, бизиқ, игна, тароқ, арқон, болта, уқлар учун пойнак, қоп, меш ва икки отга эга бўлишларини талаб қиларди. Бундан ташқари ҳар 18 киши қиғиздан ишилган утов олишлари оти отликлар дубулга, қалқон, қилч, камон ва ўқ-ёйлар билан қуролланар эдилар. Уларнинг ҳар бири 2 та от ва ҳар 5 киши битта утов олишлари шарт эди. Ҳар беш кишига бир утов олишнинг сабаби-сараланган жангчиларнинг қурол-анжомлари кўп жойини эгалларди.

Ҳар унбоши совет, қилч ҳамда камон ва ўқ-ёй билан қуролланган бўлиб, чодир ва 5 та отга эга бўлишлари керак эди. Юзбошилар 10 та от, ўз утовлари, қуроллардан эса қилч, камон ва ўқ-ёй, гурзи, чўмбор ва советга эга бўлишлари зарур. Мингбошилар эса ўз утовларидан соёбон ва бир қанча орғичча қурол-арқон-совет, дубулга, найза, қалқон, қилч, сардоқ ва ўқ-ёйлар сақлашлари лозим. Ҳар бир жангчи унликда ва жўйини бишлиш, унликлар юзликда, юзликлар эса мингликда қандай жойлашларини тўғри аниглаши керак.

Унбоши, юзбоши ва мингбошилар полвон ўз танаси қисмларидан, ҳудудлари, оёқлари, боши ва шу қабилардан қурол сифатида қандай фойдаланса, улар ҳам ўз жангчиларининг лозим бўлишига камон, ойболта, гурзи ва қилчнинг шундай ўз унликда ишлатишларини кузатиб ва бошқариб тура оладиган ҳолда бўлишлари зарур. Ҳар навабига соҳибқирон булса бош полвон сифатида ўз полвонларини жой-жойида ишлата бишлиши мумкин.

Гулидаб егетан қор қишга ажиб бир кайфият бағишларди. Соҳибқирон бектёр она юрти-қиндик қони туққан қишлоғини эслади. Бетакор болалиги куну-туналари утган қўрғончани кўз олдига келтирди. Шундай қиш кечалари у сандалда туғган отаси ва унинг бақодирлари даврасида жуда кўп қарамаонлик дostonлари, арфсона-ривоятлар, жанг-жадаллар ва турли-туман жангномалари завқ ила эшитган. Узоқ қиш кечалари иссиқ сандалда қизик воқеаларни эшитишдан ҳам зўр нараса борми? Ушқ кезлари вақти келиб ўзи ҳам худди дostonлардаги бақодирлар қаб қиш жанг-жадаллар ичра от суриниши ва беш икким мамлакатлари ҳудудлари бўлишни уйлаган эдимми?

Қимларнингидар баралла қийриқларини унинг жағини бўлди. Қизил чодир олдидан ораликда бир гурӯҳ жангчилар ҳалқасида икки курашчи куч синашмоқда. Томошибинлар иккига бўлиниб, ўз полвонларига далда беришмоқда. Мана, муайян эҳтишга сабаз урган йигит рақибининг елкасини ерга тегизди. Томошибинларнинг гудурдо оқ-қилларидан ёноқлари кизариб кетган йигит рақибини уридан тургазиб атрофдаги тарафдорларига таъзим қилди.

Баракалла, Мир Темур!
Соҳибқирон бирдан сергақлиб кетди. Нима бў? Мир Темур!
У оёқлари қандай дара томон стақлаганини ҳам билмай қолди. Кураш билан овера жангчилар еларига қандай қилиб келиб қолган Амир Темурга ҳайрат ила қарашди. Дарҳол узни қўлга олган голиб унга аскарча салом бериб таъзим баъзи қилди.

— Унбошинг ким, углим?
— Темуржон! — гоҳ қотанча жавоб берди Мир Темур.
Соҳибқироннинг қабини қайноқ бир нараса қийиклаб ўтди. Қизик, қушинда яна қанча одамнинг исми Темур?
— Юзбошингчи, азамат!
— Темуржон!
Мир Темурнинг кузларида фахр ва ифтихор барқ урарди.

Соҳибқироннинг кўз олдига бирдан семимли тунгич фарзанди, айни нақирон йигирма ешида дунедан утган Жангитр гадаланди.
Жангитмақон Қамолқодан қурган биринчи угли ана шу йигит сиймосида унга тикилиб тургандай бўлди.

— Уроқларнинг билан чодирига кел, углим, — деди соҳибқирон меҳри товланиб, — мен сизлар билан овқатланмоқчиман.
— Бош устига, соҳибқирон, — деди Мир Темур кулларини куқсига ҳўйиб.

Жангчилар бахтиёр қуролдошларини бундай юксак муқофот билан чин юракдан қутлашди. Зотан, энди улар ҳам унлик жангчилари сифатида бу муқофотдан баҳрамандлар. Чунки амалдаги қонун-қоидага мувофиқ унликнинг ҳар бир жангчиси муқофотни ҳам, жазони ҳам уртада тенг бўлишди.

Унбоши Темуржон билан унинг жангчилари чекига тушган шараф ҳақиқати бабар лашкар орасида яқиндек тез тарқиди. Соҳибқирон билан овқатланишдек бахтга сазоворларга барчаннинг ҳаваси келди. Бу тасодифий воқеа эки ҳудудроқ табиати эди. Одатдай воқеа. Чунки Амир Темур одамлар билан қисқа, меҳрибонлик ва сабр-тоқат билан муомала қилар, улар орасида тартиб урнатиб, курсатмаларининг бажарилишини талаб қиларди. У ўз жангчиларини лашкарбошқарини раъбатланганда бойликларини аямас, уларни ўзи билан овқатланишга тақдир этар, эҳтижларини қондиришга ҳаракат қилар, адолатли ва беғараз

бўлиб, ўз қўшинларини ва фуқароларини ўз тазбири билан айтганда, қўруқ ва умид уртасида ушлаб турар эди. Исломи дини маросимларига доимо риоя қилиш яъни жамоат билан жанг олдидан намоз ўқиш, кечаси эса Амир Темурнинг яқса ўзи чодирда намоз ўқиб, мулоҳаза юритиши жангчиларга мардлик ва жангларнинг муваффақиятли туташига ишонч бағишларди. Жангчилар ўз ҳудудларини уламолар аср қарамоғи, эътиқод таянчи ва курашчиси, пайгамбар хуш кўрган одам деб эълон қилишдан хабардор. Дарвишлар эса қамалак янглиқ илоҳий нурнинг Мухаммад пайгамбарнинг қабридан чиқиб Оллоҳнинг азиз бандаси Амир Темурнинг елкасига туташгани ва унинг бу илоҳий нурга чулганганини қуришгани ҳам уларга маълум.

Бир машҳур уламо — Хуросоннинг таниқли шайхларидан Зайниддин Абу Бақр Тайободий билан боғлиқ воқеа ҳам лашкарга маълум.
Бир кун Амир Темур уни йўқлаб ҳузурига чорлайди. Аммо шайх элчиларга рад жавоби берди: «Агар мен Темурга керак бўлсам ўзи олдimgа келисин», дейди.

Амир Темур шунда улуг бошини қийиқ қилиб шайх ҳузурига келди. Одоб ила унинг олдига тиз чўкади. Донги бутун ислом дунёсига кетган соҳибқироннинг қамтарлиги шайх Зайниддинга мақбуб бўлди.

— Менинг мақсадим, — дейди Темур шайх ва унинг муридларига, — мамлакатда адолат урнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амлага оширишга менга ўз масъалатларингиз билан қўмақлашингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг сунъийтеъмол қилганлиги ва қилнаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қуйилиши каби ҳоллар ҳаммадан кўра сизларга аёнқидр. Шулар ҳақида маълумот берсангиз. Бундай адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шарият ва қонуларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўлур эди.

Шайх Зайниддинга ва бошқа уламоларга Амир Темурнинг бу гаплари гоёт манзур бўлди. Улар соҳибқиронга юрдаги поракор амалдорлар, бўлаётган адолатсизликлар ҳақида маълумотлар беришди. Уларга асосланиб Самарқанднинг бош мироси, шаҳар ҳокими каби ўз мансабини сунъийтеъмол қилганлар дорга осилди. Амир Темур уламо-лар тавсиясига кўра ўз ердамчилари, деб деномини, мулозимларини ақли кишилар орасидан ташлаётган, вилоятларга ҳокимларни ҳалол одамлардан қўядиган бўлди. Улар эса ўз навабига халқ ва қўшин феъл-атвори, умуман диққатга сазовор ҳар бир нараса ҳақида унга ҳисобот беришдан бўлишди.

Лашкар елгон хабар, зўрлик ва шафқатсизлик учун соҳибқирон бошқиларни қаттиқ жазолашгани ҳам билди. Махсус ишончли кишилар. Амир Темурга халқнинг ҳолати ҳақида хабар бериб туршар, у эса бу ахборотларга суяниб чоралар қуради. У вилоятларга ҳоким қилиб ерлик халқнинг урф-одатларини яхши биладиган, аҳолини ўзи истаган кишини тайинларди. Агар қўшин ва уларнинг бошқилари жойлашган шаҳар ҳамда вилоятларидан нафақа оладиган бўлсалар унда вилоятлар қисмларга бўлинарди. Қўшинларга халқдан керагидан ортиқ нарсани талаб қилиш тақиқланарди. Буни назорат қилиб туриш учун эса ҳар бир қисмга 2 та назоратчи садр ажратилди. Уларнинг ҳар бири халқни зуравонлик ва ортиқ солиқлардан ҳимоя қилинган. Халқ қўшинларга бераётган ҳар бир нарсанинг ҳисобини оларди. Иккинчиси эса қўшинлар халқдан олаётган нарсаларнинг ҳисобини текширарди. Ҳар бир бошқик — амир ё мингбоши учун ўзи йилга унга тегишли қўшинларнинг таъминлаш жойи беришган. Бу муқдат тутаганидан сўнг аҳолининг бошқикдан манъун эки норозилигини, уларнинг турмуши яхши эки емон томонга узгарганлигини бишлиш учун назоратчи юборилди. Агар аҳоли бўлиқдан мамун бўлса, у бу ерда кейинги муқдатга қолади, мамун бўлмаса, халқдан олинган ортиқча нарсаларнинг ҳаммаси ундан тортиб олинди, уч йилгача ҳеч қандай маош берилмайдди.

Кўч — адолат! Қонун ҳаммага баробар! Соҳибқироннинг шiori шундай. Зотан ўзи, етти икким ҳудудлари Амир Темур шахсан ўзи бу ишда барчага намуна. Унинг икки вазири шахсан соҳибқирон учун раиснақиб ва қозидир. Махмул Шаҳоб Хуросоний ҳарбий соҳабати барча ишларда соҳибқиронни назорат қилади, баъзан унинг фармонларини беқор қилади, ҳудуддорга дашном-танбех беради. Наҳиддин Махмуд ал — Аромий эса фуқаролик ишларида Амир Темур фаолиятини назорат қилади.

Оддий жангчилар тортиб туман боши амрларга соҳибқирон айтиб, мирзолар қозоғга туширган ҳикматли гапларини яхши бишлишди.
— Подшоҳларнинг шухрати уларнинг ўз фуқароларига раҳмдиллиқларидир, — дедан Амир Темур, — Қурбонда ҳам айтилганки, подшоҳ бирор гунҷонорнинг гунҷонини кечирса, бу билан фуқаросига раҳм қилган бўлади. Барча ишларимиз ана шундай подшоҳлар менга ибрат бўлди. Мен яна эшитганманки, агар парвардигор бирор қимсанни улуглаб бўлиб, бу одам барча қилмишларидан ҳаққонинг жой адолат билан иш тутиб, ўз фуқаросига раҳм-шафқатли бўлса, унинг қудрати янада ортади дейдилар. Агар у подшоҳ адолатсизлик ва шафқатсизлик йўлига огадиган бўлса, тезда унинг қудрати ҳам синиши. Ана шунга кўра ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимга адолат шаймини ва иккинчи қўлимга беғаразлик шаймини олиб, бу икки шайм билан бутун умр бўйи ўз йўлимни еритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қондаларига риоя қилдим...

Аскарлар ва зобитлар уларига доимо ҳамроҳ дарвешлар, маллоҳлар ва муллалардан Темурбекнинг одиллиги ҳақида қўлдан-қўл ҳикояларни эшитиб, соҳибқиронга муқаббат ва ҳурматлари ошган. Шунинг учун ҳам уларнинг барча тадбирлари қўшинлари учун фалақнинг аму-қурағи, энг шафқатсиз ишлари ҳам тақдир азалнинг иродаси, Оллоҳнинг газабига ураганлар учун буюришган жазо бўлиб ҳисобланади. Лашкарлар Амир Темурни эълим ва адолатсиз ҳисоблар билан, Мухаммад пайгамбар қонуларини бузган ҳазис ва гунҷоҳ ботан муслимонларни жазолаш учун юборилган Оллоҳнинг Ердиги қуроли деб бишлишди. Унга душманлар офати, фуқаролар отаси, жангчилар сажда қилса арзийдиган бирдан-бир ягона сиймо сифатида ситинишди. Лашкар унинг учун улимга тик бориб ажалга кутку солади...

(Давоми бор)

ТУТАШ ТОМИРЛАР

Бир сурат тарихи



Маълумки, ўзбек халқи билан қозоқ халқи уртасидаги ўзаро дўстлик қадим-қадимдан илдиэ отган. Бу икки халқнинг томир-илдиэлари туркий халқлар муштараклигининг, чиқиб келишининг бирлигидандир.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг вакиллари ҳар бир соҳада дўстлик ва ўзаро ҳурматни адабиётлар бирлиги ва маданиятлар ҳамкорлиги, иқтисодий муносабатлар мадақкорлиги негизда курч ҳолда олиб бордилар.

Ўзбекининг буюк шоири, академик Гафур Ғуломнинг таваллуд тоғанига 60 йил тулган йилда бутун собиқ Шуро мамлақати халқлари катта юбилей утказди. Мухташам Навоий номидаги театр биносига кечган тантанали кеча оқшомида улуг шоир Гафур Ғуломни қўлаш ва табриқлаш учун собиқ Иттифоқнинг кўплаб шаҳар-

ларидан сон-саноксиз шоир ва адиблар, таниқли олимлар келишган эди. Булар орасида Гафур ақанинг энг яқин ва яхши кўрган дўстларидан бири — қозоқ адабиётининг дарғаси Собит Муқонов ҳам юбилейда иштирок этганди.

Ушбу қўриб турганингиз ўша тантанали кеча жараёнида таниқли сураткаш М. Нурриддин томонидан тасвирга туширилган эди. Малик ака кўзига тўғий қилиб асраётган ушбу ноёб ва тарихий сурат орадан 32 йил ўтгач биринчи марта матбуотда босилмоқда.

Ҳайдарали УЗОҚОВ.

ҲАҚ-ҚУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Тўрт нафар вояга етмаган фарзандимиз бор. Эрим яқинда бир аёлни уйга олиб келиб, бирга яшамоқда. Ахир бу қандай гал? Ахир эримнинг ЗАГСдан ўтган аёли мен бўламан-ку.

Хурсония МАМАТҚУЛОВА,
Денов шаҳри.

ЖАВОБ: Сиз бу тўғрида туман ички ишлар бўлимига ёки туман, вилоят прокурорига ёзма равишда ариза беринг. Аслида эрингиз Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 99-моддасига асосланиб жавобгарликка тортилови керак. Буни тергов органлари тўғри текшириб, айбдор деб топса, халқ суди орқали жазоланади.

САВОЛ: Менга туман халқ суди шартли равишда 2 йил қамоқдан ташқари қурилдиш ишлашга ҳукм чиқарди. Лекин қурилдишга бормай юрган эдим. Яна суд ҳукми билан икки йиллик шартли жазо қамоқ жазосига айлантирилди. Шу тўғрими?

П.ҚОДИРОВ,
Қашқадарь вилояти.

ЖАВОБ: Сизга суд ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 23-2-моддасига асосланиб қамоқдан ташқари шартли равишда қурилдиш ишлаб бериш жазоси тайинланган экан. Ички ишлар органи орқали юборилган жойга бориб, ҳалол меҳнат қилишингиз керак эди. Тарбия меҳнатидан қочиб юргангиз учун халқ суди тўғри жазо тайинлаб, шартли жазони қамоққа айлантирган. Бу қонун доирасида бўлган.

Забихилло МУХАММАДЖОНОВ,
хуқуқшунос.

Ие, айр-е, наҳотки

ТЕАТРДАН ТЕЛПАКСИЗ ҚАЙТДИ

ҚОЗОН шаҳрида яшовчи Галина Кадочникова углини ёшлар театрига — «Бургисок» эртагини куришга олиб кириди ва ўзи ҳам берилиб томоша қилди. Аммо тиззасига қўйиб қўйган кўндузли телпақидан айрилиб уйига қайтди. Ким утқирлаганини тополмай роса хуно-

би ошди, угрининг гўрига гипт қалади, одамларда инсоф қолмаганлигидан нолиди. Эртаси кун «Қозон оқшоми» газетасида бир кун аввал ёшлар театрида қўйилган спектаклдан сўнг саҳна олдига аёллар телпақи топилигани ва эгаси келиб телпақни маъмуриятдан олиб кетиши мумкинлиги

ҳақида хабар босилди. Галина борса телпақ ҳақиқатан ҳам уники экан. Галина бу дунёда яхши одамлар борлигига имон келтирди.

Маълум бўлишича, Галина йўлакка яқин орқа уриндикда ўтириб, спектакл томоша қилган. У томошага шунчалар берилиб кетган эдики, ҳатто тиззасидаги телпақи ерга тушиб, тўғри саҳна олдига гача думалаб борганини ҳам сезмаган.

қиш уйотганига асосий сабаб ҳам аслида шу. Сирдарё вилоят халқ ижодий уйи иқтидорли мўйқалам соҳибининг кўрғазмасини вилоят маркази — Гулистон шаҳрида ҳам ташкил этишга ҳозирлик кўрмоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

Тасвирий санъат

КЎРИҚДА КЎРГАЗМА

Сирдарё. (муҳбиримиздан). Шароф Рашидов тумани марказида мусаввир Абдували Нурҳожиевнинг ижодий кўрғазмаси ташкил этилди. Унда иқтидорли мўйқалам соҳибининг 100 га яқин асарлари

санъат ихлосмандлари ҳукмига ҳавола этилган. Абдувалини туман ахли яхши танийди. У шу ерда яшаб ижод қилади. Шунинг учун ҳам асарлари юртдошлари қалбига ва ҳаётига яқин. Кўрғазманинг катта қизи-

Спорт

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

• Ҳиндистонда шахмат тожига даъвогарлар уртасида ўтказилган ярим финал баҳслари якунланди.

Маълумки, мусобақа низомига мувофиқ икки жуфтликни ташкил этган шахматчилардан қайси бири аввал 5,5 очко тулпаса, финалга йўлланма оларди. Мусобақани хомийликка олган «Санги» фирмаси жами 500 минг доллар муқофот пули ажратган эди. Шундан голибга 156,250, мағлубга 93,750 доллардан тегиши кўзда тутилган. Бу курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритиб, катта пул муқофотига эга бўлган Анатолий Карпов билан Гата Камскийга насиб этди. А. Карпов белоруссиялик Борис Гельфанд билан донна суриб, ҳисобни ўз фойдасига 6:3 қилган бўлса, Г. Камский (АҚШ) Валерий Саловни (Россия) 5,5:1,5 ҳисобида доғда қолдирди. Қизиқ шундаки, Гатанинг шашти баланд. Энди у профессионал шахматчилар билан ярим финал баҳсида Ҳиндистонлик В. Анандга қарши уйнамоқчи. Бу сафар ҳам унинг омади келса, кўзда Г. Каспаровга рубару бўлади.

ПАХТАКОРЧИЛАР ХОТИРАСИ

• Футбол мавсуми арафасида «Пахтакор-79» ағнавий хотира соврини учун мусобақалар бошланди. Мавсумга ҳозирланишда муҳим босқич ҳисобланган мусобақага қизиқиш

ортиб бормоқда. Бу сафар соврин учун курашда 44 жамоа тўрт минтақага бўлинган ҳолда куч синашади. Жамоалар уртасида МДХ шаҳарларидан келган футболчилар ҳам бор. Дастлабки ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Нефтчи» — «Олтинкул» — 2:1, «Сўғдиёна» — «Истиклол» — 5:2, «Янгиер» — «Чилонзор» — 2:2, «Зарафшон» — ЦСКА — 1:1, «Трактор» — «Самара» — 2:3, «Ғазалкент» — «Жамбул» — 0:7, «Прогресс» — «Хисор» — 3:0, «Кимёгар» — «Маданият» — 3:1.

ФУТБОЛ ТАҚВИМИ ТАСДИҚЛАНДИ

• Олий табақа футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг тўртинчи мавсум ўйинлари тақвими эълон қилинди.

Чемпионат 25 март кунини бошланади. Шу кунини олий табақанинг 16 жамоаси уртасида дастлабки учрашувлар бўлади. Жумладан, «Нефтчи» Самарқанд динамочиларини қабул қилса, «Нуррафшон» футболчилари «Машъал» жамоасини қабул қилишади. Навбахорчилар Чирчиқ футболчилари билан уйнайдилар. «Темирйўлчи» — «Янгиер», «Сўғдиёна» — «Наврўз», «Политотдел» — АСК, «Пахтакор» — «Трактор» ўйингоҳларида ҳам мусобақа байроғи кутарилади. Эртаси кунини МАСК — «Атласчи» футболчилари билан майдонга тушади. Олий табақа жамоалари билан миллий чемпионатини 4 ноябрга қадар давом этиши кўзда тутилган.

газета 50 йил олдин эзанди...

МАРРА — 8 МИЛЛИОН ЦЕНТРЕР ҚАНД ЛАВЛАГИ

Бутун Ленин орденли республикамизнинг пойтахтида қанд лавлаги етиштириш билан шуғулланувчи ходимларнинг кенгаши очилди. Кенгашда қанд лавлаги экуччи қолхозларнинг раислари, бригадирлари, эвсно бошиқлари, агрономлар, сув ҳужалти ишоралари билан соҳобларнинг ходимлари ҳамда район ва область партия, совет ташкилотларининг активлари қанд лавлаги етиштиришни янада кучайтириш тадбирларини муҳофизат қилдилар.

Кенгаш қатнашчилари 1945 йилда мамлакатимизга кам деганда 8 миллион центнер қанд лавлаги етказиб бериш мажбуриятини олишди. «Қизил Ўзбекистон» 1945 йил 10 февраль.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИДА УЧРАШУВ

Шу кунларда Совет Иттифоқи Қарамон Абдуотатор Раҳимов Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келди. Ўзбек халқи икки кўкратг ордан ва медаллар билан парванга ээлиниб бу қахрамонини, унинг Совет Иттифоқи Маршал уртоқ Малиновский билан учрашганини яхши бишлишарди. Наманган шаҳридан чиққан ва Улуғ Ватан уруши фронтларидан совет куригининг шон-шарфини оширишга ўз хиссасини қўшган бу баҳодир фарзандимиз илгари ет заводида ишчи бўлиб ишлар эди. У Наманганга кета туриб, Тошкентга тушиб ва «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида редакция ходимлари билан учрашди. Қарамон ўзбек йигитларининг Ватан уруши фронтда қўрғатган мардлик ва қаҳрамонлиқлари ҳақида туқилганилиб сўзлаб берди. «Қизил Ўзбекистон» 1945 йил 11 февраль.

Фарҳод ГЭС қурилишида ТОШКЕНТЛИКЛАР

Илғор Тошкент областининг 3000 га яқин азамат қолхозчилари қаналида бўлган 6-участкисада ишлаштирадилар. Булар орасида 1944 йилда пахтадан юқори ҳосил олган илғор пахтакорларини, фронт ва мамлакатга қўлаб сазовот етиштириб берган тақрибкор қолхозчиларини урғатасиз. Уларнинг қўлиниги Қўйибўзув, Оқдўков, Салор ГЭС сингари қурилушларида иштирок этиб, донг чиқарган азаматлардир.

Раҳмат ФАЙЗИЙ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбири, 1945 йил 13 февраль.

Газета таҳлавларини Юнус ЗИЕДОВ варақлаб чиқди.

Тошкент Молия институтини ректорати ва жамоат ташкилотлари «Бухгалтерия ҳисоби ва назорат» кафедраси доденти Абдурауф Набиевич МАРҒУБА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Тахрир ҳайъати:
Абдулла ОРИНПОВ, Абдулҳафиз